Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

22-йил чиқиши.

№ 141 (5490).

19 июль

ШАНБА

1975 йил.

Баҳоси 2 тийин.

КОИНОТДА УЧРАШУВ

«СОЮЗ» — «АПОЛЛОН»: МУВАФФАҚИЯТЛИ ЭКСПЕРИМЕНТ

ТАСС АХБОРОТИ

«СОЮЗ-19» БИЛАН «АПОЛЛОН» КЕМАЛАРИ ТУТАШТИРИЛДИ

1975 йил 17 июль Москва вақти билан соат 19 дан 12 минут ўтганида «Союз-19» совет космик кемаси билан Американинг «Аполлон» кемаси туташтирилди. Космонавтика тарихида биринчи марта биргалашиб учишда бир вақтда икки мамлакат космос тадқиқотчилари: Совет космонавтлари — Алексей Леонов ва Валерий Кубасов билан Америка астронавтлари — Томас Стаффорд, Вэнс Бранд ва Дональд Слейтон қатнашмоқдалар.

Кемаларни туташтириш учун траекторияни икки марта ростлаш натижасида «Союз-19» ҳисоблаб қўйилган монтаж орбитасига чиқарилди. Туташишгача яна икки марта айланиш қолганида, экипаж кемани қўлда бошқариб орбитал ориентация қилди, шундан сўнг кемалар Америка кемасини кетма-кет маневр қилдириш орқали бир-бирига яқинлашди. Орада 10 метр масофа қолганида «Аполлон» кемаси «Союз-19» кемасида ўрнатилган туташтириш нишонидан фойдаланган ҳолда қўлда мўлжал олдириб яқинлаштирилди. Яқинлашиш ва боғланиш чоғида совет кемаси туташиш учун зарур мўлжални қочирмай турди. Кемалар бир-бирига теккач, уларнинг туташтирувчи агрегатлари автомат тарзда тишлашиб, тортилди ва туташиш чоки герметиклашди.

Совет ва Америка олимлари, мутахассисларининг ижодий ҳамдўстлигида ишлаб чиқилган бир-бирига мос келувчи туташтириш агрегатлари конструкциясидаги техникавий ечимлар тўғрилиги туташтириш муваффақиятли ўтиши билан экспериментал равишда тасдиқланди.

«Союз-19» ва «Аполлон» космик кемалари энди икки кеча-кундуз биргалашиб учаётган пайтида уларнинг экипажлари бир кемадан иккинчи кемага кўчиб ўтади ва биргалашиб илмий экспериментлар олиб боради.

Совет ва Америка томонларининг келишиб олганликларига мувофиқ, космонавтлар бир кемадан иккинчи кемага ўтган пайтларида миллий байроқларни, СССР билан АҚШ ўртасида космик фазони тинчлик мақсадларида тадқиқ этиш ва ундан фойдаланишда ҳамкорлик тўғрисида тузилган битим текстларини, эсдалик медаллар ва нишонларни, шунингдек, дарахт уруғларини алиштирадилар. Бу уруғлар СССРда ва АҚШда экилади. Туташган кемалар ичида экипажлар «Союз-19» билан «Аполлон» кемаларининг туташганлиги тўғрисидаги гувоҳномани имзолайдилар.

Халқаро экипаж тушган «Союз-Аполлон» космик комплексининг учиши давом этмоқда.

ҲОСИЛНИ АСОСАН МАШИНА БИЛАН ТЕРИБ ОЛАМИЗ

Ҳар куни кўз нуримизни тўкиб, пешона теримиз билан етиштираётган пахтазорлардаги ўсимликларнинг бўйнга бўй, ҳосилга ҳосил қўшилмоқда. Фидокор колхозчиларимиз, моҳир механизаторларимиз, миришкор сувчиларимиз ғўза парваришини тинмай давом эттирмоқдалар. Улар аввал баҳордан бери юз берган табиий қийинчиликларни енгиш учун озмунча иш қилганлари йўқ.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчилари ҳузурида сўзлаган нутқида пахтакорларга жуда юксак баҳо берди. Партия ва ҳукуматимиз пахтакорларга катта ғамхўрлик қилмоқда. Яқинда пландан ташқари тошширилган I, II ва III сорт пахтага бир ярим баравар ҳақ тўлаш тўғрисида қарор чиқди.

Бу катта ғамхўрлик бизни яна ҳам яхшироқ ишлашга рағбатлантирмоқда. Биз зиммага олинган мажбуриятни сўзсиз бажариш учун ҳосилдорликни ошириб, техникадан унумли фойдаланишимиз, пахта ҳосилини четдан ишчи кучи жалб этмай ўз кучимиз билан терио олишимиз керак. Колхозчиларимиз шу ният билан меҳнат қилмоқдалар.

Ўтган йили ҳар гектар ердан колхоз бўйича 32 центнердан ҳосил олинган эди. Бу йилги ниятимиз 35 центнерга етказишдан иборат. Рашид Раззоқов, Мурот Қурбонов, Баёнқул Раҳмонов сингари илғор бригада аъзолари ҳосилдорликни 40—45 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

Колхозчиларимиз шу ниятларига етадилар деб асосийдир ишонамиз, ғўза парваришини сусайтирмоқдалар йилдан-йилга кўтарилиб боряпти. Масалан, 1971 йилда гектаридан 25,2, 1972 йилда 28, 1973 йилда 29, ўтган йилда эса 32 центнердан ҳосил олинди. Бу йил ўтган йилгидан ҳосилдорлик ошади, чунки, кўчат ўтган йилгидан сероб, ҳар гектар ерда ўрта ҳисобда 115 минг туп кўчат бор.

Ҳозир даладаги ғўзанинг ривожи, ҳосил олиши қуйидагича. 1650 гектар пахта майдонидан 30 гектар ердаги ғўза текис гуллаган. 395 гектар ердаги ғўзада 1—2 тадан, 625 гектар ердаги ғўзада 3—4 тадан кўсак бор.

Демак, ҳали кўзлаган мақсадга эришиш учун кўп иш қилишимиз, ғўза парваришини сусайтирмаслигимиз зарур. Яқинда колхозчиларнинг умумий мажлисини ўтказдик. Мажлисда 1 августдан 10 сентябргача ғўза парваришини давом эттиришга қарор қилинди. Бу қарорнинг мазмуни шундай. Қайси бир колхозчи қирқ кун давомида тўла ишласа, 10 процент қўшимча ҳақ олади. Лекин, қирқ кун давомида тўла ишламаса, 50 процент ҳақи қирқилади. Йил охирида 40 кунлик меҳнат ҳақи қўшимча ҳақ тўлаш ҳисобига кирмайди.

Бу тадбир ҳосилдорликни оширишга, ғуза парваришини меёрида утказишга, шу билан бирга, пахта ҳосилини машина билан терио олишга қаратилгандир. Бу йил етиштириладиган 3675 тонналик ҳосилнинг 3200 тоннаси ёки жами ҳосилнинг 90 процентини машина билан териб олишга қарор қилганмиз.

Колхозда механизаторларимизнинг пахта теришдаги малакаси йил сайин ошиб, ҳосилдорлик кўтарилиб бораётгани, кўплаб янгиянги ва такомиллашган пахта териш машиналари олаётганмиз туфайли машина билан пахта териш даражаси ҳам ошиб бормоқда. 1971 йилда етиштирилган пахтанинг 79,5 проценти машина билан терилган бўлса, ўтган йили салкам 90 процент пахтани машина билан териб олдик.

Механизаторларимизнинг малакаси ошиб бораётгани, шунингдек машинада пахта териш миқдори кўпайганлигини қуйидаги фактлар кўрсатади. 1971 йилда бир терим машинаси билан ўрта ҳисобда 130 тоннадан пахта терилган бўлса, ўтган йили 171 тонна пахта терилди. Бу йил эса Мурод Нортошев, Муртазо Облоқулов, Ҳайдар Усмонов, Қаюм Иброҳимов, Алиқул Туронов сингари моҳир механизаторларимиз ҳар бир машина билан ўрта ҳисобда 190 тоннадан пахта теришга сўз бердилар. Шу мақсадда айни шу кунларда бу механизаторлар ғўза парваришини яхши ўтказиб, унинг машинабоп бўлиб ўсиши учун меҳнат қилмоқдалар.

Колхозда 17 та пахта териш машинаси бор. Шундан 5 таси ХН-3,6 маркали, 12 таси 90 сантиметр схемада ишлайдиган 17-ХВ маркали машиналардир. Уларнинг ҳаммаси ҳозир ремонт қилиниб, теримга тахт қилиб қўйилди. 33 та прицеп арава, 8 та кўсак чувиш машинаси, 3 та пахта юклайдиган машина ва бошқа техника ремонти ҳам яқин кунлар ичида тугалланади.

Шуни ҳам эътироф қилиш керакки, колхозимизда машина билан пахта териш даражаси ошиб бораётган бўлсада, ҳалигача четдан теримчилар жалб қилиш ва уларга ҳақ тўлаш анчагина маблағ талаб қилмоқда. Бунинг сабаби ерга тўкилган пахтани териш ҳали механизациялаштирилмаганлигидадир. Шунинг учун бу йил ерга тўкилган пахтани терадиган 4 та подборщик, 2 та кўрак териш машинаси сотиб оламиз. Шу йўл билан пахта йиғим-теримини тўлиқ механизациялаштиришга эришамиз.

Машина теримининг яхши бўлиши ғўза баргини дефолиация қилишнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилишига боғлиқдир. Бу йил ана шу тадбирларни пухта ўтказишга алоҳида эътибор бериш керак. Чунки, пахтанинг ривожи юқорида айтиб ўтганимиздек бир хил эмас. Бир картада ривожи ҳар хил бўлган ғўза бўлиши дефолиацияни айниқса сифатли ўтказишни талаб қилади. Самолётлар билан препарат сепишдан ташқари ОВХ-14 машиналаридан кенг фойдаланишни мўлжалламоқдамиз. Бу тадбир яхши самара беради.

ОВХ-14 машинаси ишлатилган далада дефолиация сифатли бўлади, бундан ташқари сарф-харажат ҳам камаяди. Ўтган йили биз асосий майдонларни ОВХ-14 билан дефолиация қилдик. Шу туфайли 12 минг сўм тежалди. Ҳозир хўжаликда 4 та ОВХ-14 машинаси бор. Улардан тўлиқ фойдаланамиз.

Пахта йиғим-теримини 20-25 кун ичида ўтказишни мўлжаллаб турибмиз. Бунинг учун асосий ишларни терим агрегатлари бажариши керак. Пахта тайёрлаш мажбуриятимизни бажарсак, янги қарорга мувофиқ, колхозимиз 271 минг сўм қўшимча даромад олади. Шу маблағнинг 40 проценти колхозчилар меҳнат ҳақига тақсимланади. Партия ва ҳукуматимизнинг ана шу катта ғамхўрликларидан беҳад миннатдор бўлган колхозчиларимиз шу кунларда ғўза парваришини ҳар томонлама юқори суръатлар билан ўтказмоқдалар ва айни пайтда пахта йиғим-теримига катта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Н. НАРЗИҚУЛОВ,
Бўка районидаги Тимирязев номли колхоз раиси.

Х. ХУДОЕРОВ,
колхоз партия ташкилотининг секретари.

М. БУСИНОВ,
колхоз бош агрономи.

ИЛҒОРЛАРГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети, область ижроия комитети, касаба союзлари область совети ва область комсомол комитети область районлари ўртасида 1975 йилнинг биринчи ярмида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш бўйича олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан бошланган социалистик мусобақа натижаларини кўриб чиқди.

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети, область ижроия комитети, касаба союзлари область совети ҳамда область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи ҚУЙИ ЧИРЧИҚ районига берилди. Район меҳнаткашлари давлатга гўшт сотиш ярим йиллик мажбуриятини 115,7 процент, сут — 100,5 процент ва тухум бўйича 170 процент қилиб бажаришга эришдилар. Қорамоллар сонини 512 бош ёки 4 процент ошириш таъмиланди. Жумладан сигирлар 170 бош ёки 4,2 процент, чўчқалар 577 бош ёки 10 процент кўпайди.

Оққўрғон, Оҳангарон ва Юқори Чирчиқ районлари чорвадорларининг ярим йил юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни бажаришда эришган юксак кўрсаткичлари қайд қилиб ўтилди.

* * *

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети, область ижроия комитети, касаба союзлари область совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи Калинин районидаги «ХАСКОВО» совхозига (совхоз директори М. Р. Расулов, партия комитети секретари К. Комилжонов, ишчилар комитети раиси Ҳ. Ҳайдархўжаев, комсомол комитетининг секретари С. Шерембеков ўртоқлар) берилди. Совхоз ишчилари дағал хашак тайёрлаш йиллик планини 70,0 процент, шу жумладан сенаж бостириш планини 110,3 процент, беда хашаги тайёрлаш планини 46,5 процент қилиб бажардилар. Байроқ Бўстонлиқ районидаги «Хўжакент» совхозидан олиб берилди.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, касаба союзлари область совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи Бекобод районидаги «ПОБЕДА» колхозига (колхоз раиси Д. Қўзибоев, партия ташкилоти секретари П. Рисбоев, маҳаллий комитет раиси А. Қурбонов, комсомол ташкилоти секретари А. Эгамов ўртоқлар) берилди. Колхоз меҳнаткашлари дағал хашак тайёрлаш йиллик планини 110,7 процент, шу жумладан сенаж бостириш планини 100 процент, беда хашаги тайёрлаш планини 20 процент қилиб бажардилар. Июль ойининг биринчи ярмида дағал хашак тайёрлаш бўйича 6,7 процент, сенаж бостириш бўйича 5,8 процент, беда хашаги тайёрлаш бўйича 7 процент ўсишга эришилди. Байроқ Янгийўл районидаги Н. Ниёзов номли колхозидан олиб берилди.

Область матлубот жамияти Орджоникидзе области, «Хасково» совхози ва «Победа» колхозларига жамоат чорваси учун мўл озуқа тайёрлашда энг юксак кўрсаткичларга эришган илғорларни мукофотлаш учун биттадан енгил автомашина ажратди.

«СОЮЗ» ВА «АПОЛЛОН» КЕМАЛАРИНИНГ ЭКИПАЖЛАРИГА ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ТАБРИГИ

КОСМОНАВТЛАР АЛЕКСЕЙ ЛЕОНОВ, ВАЛЕРИЙ КУБАСОВ, ТОМАС СТАФФОРД, ВЭНС БРАНД, ДОНАЛЬД СЛЕЙТОНГА

Ғоят ажойиб воқеа билан — Совет космик кемаси «Союз—19» ва Америка космик кемаси «Аполлон» биринчи туташтирилганлиги билан сизларни совет халқи номидан ва шахсан ўз номимдан қутлайман.

Илмий экспериментларнинг мураккаб программасини бажариш йўлида сизларнинг биргаликда қилаётган ишингизни бутун дунё ғоят диққат ва эътибор билан қойил қолиб, кузатиб турибди. Совет ва Америка олимлари, конструкторлари ва космонавтлари ижодий ҳамдўстликда ишлаб чиққан ва амалга оширган техникавий ечимларнинг тўғрилигини туташтириш муваффақиятли ўтказилганлиги исботлаб берди. «Союз—Аполлон»ни келгусидаги халқаро орбитал станцияларнинг тимсоли, дейиш мумкин.

Ернинг биринчи сунъий йўлдоши учирилганидан ва одам космик фазога биринчи марта учиб чиққанидан бери космос халқаро ҳамкорлик майдони бўлиб қолди. Кескинлик юмшатилаётганлиги, Совет ва Америка муносабатларидаги ижобий силжишлар биринчи халқаро космик учишни амалга ошириш учун шарт-шароит яратиб берди. Бутун инсониятнинг тинчлиги ва тараққиёти манфаатларини кўзлаб мамлакатлар ва халқлар ўртасида илмий алоқаларни кенг кўламда самарали ривожлантирмоқ учун янги имкониятлар очилмоқда.

Космосни ўзлаштириш тарихида янги саҳифани очишдек буюк шараф космик фазонинг мард зафтқорлари бўлган сизларнинг зиммангизга тушди. Мўлжалланган программани муваффақиятли бажариб, ерга эсон-омон қайтиб тушишларингизни тилайман.

Л. БРЕЖНЕВ.

ОРБИТАДА КОНТАКТ

ХЬЮСТОН. Учишни бошқариш маркази, 17 июль. (ТАСС махсус мухбири).

Бугун Вашингтон вақти билан соат 12 дан 12 минут ўтганида (Москва вақти билан соат 19 дан 12 минут ўтганида) орзиқиб кутилган воқеа юз берди: «Аполлон» «Союз-19» космик кемаси билан туташди.

Мана шу тўлқинлантирувчи дамларда учишни бошқариш марказида бўлганларнинг ҳаммаси диққат бериб телевизор экранларига ва икки кемаларнинг яқинлашиш пайтини қайд этувчи асбобларнинг таблоларига кўз тикдилар. Ҳозир бўлганлар орасида СССРнинг АҚШдаги элчиси А. А. Добриннин бор эди.

Соат 9 дан 04 минут ўтди. Марказ катта биносининг ҳамма хоналари ва коридорлари узра бир хабар тарқалди. Америка космик кемасидан ҳозиргина эшитилган гапга кўра Т. Стаффорд, В. Бранд ва Д. Слейтон телескопик секстант орқали «Союз-19» кемасини кўришибди. Шу вақтда икки кема орасидаги масофа 295 миля (472 километр) эди. «Союз-19»ни юлдуздан фарқ қилиш қийин», — деб ерга хабар қилди В. Бранд.

«Аполлон» билан «Союз-19» ораси 280 километр бўлганида космонавтлар ультра қисқа тўлқинли алоқа воситасида ўзаро сўзлашаётганликларини Хьюстондагилар билишарди. «Хэлло, Валерий, ишлар қалай?» — деб русча сўради Дональд Слейтон. «Соғлиқ даминг ҳайрли бўлсин!», — деб инглизча жавоб қайтарди Валерий Кубасов. «Ҳаммага салом!», — деди Алексей Леонов.

Америка кемаси билан совет кемаси ўртасидаги масофа тобора қисқариб борди.

Американинг космик кемаси «Союз» билан туташиш позициясига чиқиш учун орбитада бир қанча якунловчи маневрларни бажаришга киришди. Учишни бошқариш марказида «Аполлон» командирининг мана шу сўзлари эшитилди: «Моторлар ишга солинди. Ҳамма иш нормал ўтмоқда». «Аполлон» иккинчи базавий маневр ўтказди (биринчисини кеча қилганди), комбинацион ростлаш маневри, шунингдек кооэлиптик маневр ўтказди.

«Аполлон» туташиш олдидан пировард базага чиққач позициясини аниқлаб олганидан сўнг тормоз бера бошлади.

«Союз» бортига: «Мўлжал чироқларини ёқинг!» деган радиограмма кетди. Чироқлар ёқилди, деган жавоб келди.

Бошқариш марказидаги телевизорларнинг экранларида Америка экипажи аъзоларининг юзлари жиддий ҳолда эканлиги кўриниб турибди. Кемалар ўртасида узлуксиз радиоалоқа боғланиб турибди. «Аполлон» туташиш олдидан программага мувофиқ мўлжал ола бошлаганлигини «Союз»га маълум қилади ва ниҳоят «Аполлон» туташишга тайёрлиги тўғрисида «Союз»га радиограмма юборади. Кемалар жуда оҳиста бир-бирига яқинлашади, сўнгги метрлар... Т. Стаффорд А. Леоновга: «Контакт. Қамраш. Туташтириш поёнига етказилди», деб хабар қилади.

Орбитада тарихий учрашув юз берди!

«КОСМОС-750» ПАРВОЗДА

1975 йил 17 июлда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-750» учирилди.

Йўлдош бортига космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координация — ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

(ТАСС).

В. И. ЛЕНИН ТЎЛА АСАРЛАРИ ТЎПЛАМИНИНГ ЎН САККИЗИНЧИ ТОМИ БОСИЛИБ ЧИҚДИ

«Ўзбекистон» нашриёти В. И. Ленин тўла асарлари тўпламининг бешинчи нашрининг ўн саккизинчи томини ўзбек тилида босиб чиқарди.

Асар ўзбек тилига Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти томонидан таржима қилинган. (ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЕЗУВЧИ НАЗИР САФАРОВНИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун ёзувчи **Назир Сафаров** Халқлар Дўстлиги ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1975 йил, 17 июль.

ЭРТАГА — МЕТАЛЛУРГЛАР КУНИ

Бекободдаги В. И. Ленин номли металлургия заводининг коллективи ўзларининг анъанавий байрамларини меҳнатда юксак кўрсаткичларни қўлга киритган ҳолда кутиб олишяпти. Ярим йиллик план муддатидан илгари адо этилди. КПСС XXV съезди шарафига олинган оширилган социалистик мажбуриятларини бажариш йўлида цехлар, бригадалар коллективлари ўзаро социалистик мусобақани қизитиб юборишди. Суратда: корхонанинг ветеран пўлат эритувчилари Абдуманнон Насруллаев (чапдан) ва Амед Мамедбаев. Улар металлурглар кунида шахсий беш йиллик топшириқларини бажаришди.

В. Сироткин фотоси.

ОЛОВ ҚАЛБЛИ АЁЛ

Бугун Екатерина Завялованинг кайфияти ҳар қачонгидан ҳам яхши. Қадрдон заводи томон енгил руҳ билан шаҳдам қадам ташлаб бораяпти... Эртага барча ҳамкасблари даврасида металлурглар кунини байрам қилади. Зотан, ўзлари эритаётган пўлатдек чакноқ, олов қалбли бу аёллар ярим йиллик мажбуриятларини ортиғи билан бажариб қўйганларидан кейин, байрамларида ҳар қанча тантана қилсалар арзийди, албатта.

У завод ҳовлисига қадам қўяр экан, ишончини шараф билан оқлаётган шогирдлари бир-бир кўз ўнгидан ўта бошлади. Айниқса, Саидани эслаганида чеҳраси ёришиб, негадир йўлидан тўхтади. Сўнг корхона ҳурмат тахтаси осиб қўйилган томонга бурилди.

Бир группа илғор ишчилар портрети орасидан Саиданинг расми одатдагидек кулимсираб турарди. Аммо, бу бегубор табассумда бу сафар ўзгача маъно бордек туюлди унга. Гўё Саида: «Менинг ҳаётдан ўз ўрнимни топишимда, эл-юрт орасида эътиборли бўлишимда сизнинг беқиёс хизматингиз бор, устоз», деяётгандек эди.

Саида асли — деҳқон қизи. Улар оиласи кўшни Оққўрғон районидаги далаларида сидқидилдан меҳнат қилиб, пахтачиликда катта тажриба орттирган. Фақат акаси Саъдуллагина ишчи касбини танлаб, Бекободдаги металлургия заводига йўл олди.

Уша кезларда Бекободдаги саноат корхоналари сафи жуда тез кенгайиб, шаҳар ҳар тарафлама обод бўлиб бораётган эди. Бу орада Саъдулла ҳам меҳнатда катта зафарлар қучиб бутун қишлоққа довруг таратди.

Яқиндагина ўрта мактаб кучоғини тарқ этиб, дугоналари билан дала ишларига кўмаклашиб юрган Саиданинг Бекобод шаҳрига боргиси, акаси ёнида ишлагиси келди. Бир куни акаси билан ҳазл мутойиба қилиб, ўз қарорини айтганида, Саъдулла синглисига жиддий маслаҳат берди. Ҳатто, ота-онасидан розилик олишида ҳам ёрдамлашди.

Заводда Саидани илиқ қарши олишди. Тажрибали ишчилардан бири бўлган Екатерина Завялова уни ўз қаноти остига олиб, мураббийлик қилишга ваъда берди.

Уша куни уйига қувончини ичига сиғдиролмай қайтган Саида дастлабки иш бошлаган кунидаёқ шашти қайтиб, бўшашиб қолди. Дов-дарахт ва сувга мўл далага ўрганиб қолган қизга мартен цехидаги дим ҳаво, симобдек эриган пўлат учқунларининг атрофга тўхтовсиз сачраб туриши ғайри табиий туюлди.

ИШЧИ КАСБДОШИ ҲАҚИДА

Орадан уч-тўрт кун ўтмаёқ Саиданинг ишга келмай қолиши устозини ташвишга солиб қўйди. Чунки у Саиданинг тезда ўзгариб қолганлигини сезган эди. Заводга бутунлай қайтмаслиги ҳам мумкин. Агар шундай бўлиб қолса, Екатерина Надя Винокурова, Урия Бекировалар сингари ҳамкасблари олдида уялиб қолиши аниқ.

Устоз цехдаги айрим ишчилардан Саидани суриштирарди. Бироқ, ҳеч ким кўрмабди. У турли ҳаёл билан касаба союз комитетига йўл олаётганда Саиданинг ўзи келиб қолди. У устозининг савол билан боқаётган назаридан кўзини олиб қочаб, бирор тайинли жавоб топа олмагач, «мен бу ерда ишлолмайман» деб қўяқолди.

Шогирднинг бу жавоби Екатеринани қаноатлантирмасди, албатта. Аксинча, унинг бироз изза-тнафсига текқандек бўлди. Чунки, ўқишни тарк этиб, оғир меҳнат фронтига отланганида Саидадан ҳам ёш эди. Бир ёқда дахшатли уруш, бир ёқда тинимсиз оғир меҳнат бунинг устига, озиқ-овқат танқислиги...

Саида устозидан бундай гапларни кутмаган эди. Шунинг учун ўзининг болаларча қилган ишидан қаттиқ иза бўлиб қолди ва устозига эргашиб цех томон индамай йўл олди.

Бу воқеанинг бўлиб ўтганига ҳам ўн саккиз йилдан ошди. Саида Каримовани энди фақат заводдагина эмас, шаҳардаги бошқа саноат корхоналарида ҳам мамнунлик билан тилга олишади. Бир неча йилдан бери у сифон теруачилар бригадасига бошчилик қилади. Бригада аъзоларининг деярли барчаси унинг шогирдлари. Бир вақтлар ўзи устозининг ишончини қандай оқлаган бўлса, ҳозир етук шогирдларининг баракали меҳнати билан обрў-эътибор топаяпти.

Айникса, Лутфия Габой, Нина Махаринская ва Зоя Гончаровалар сингари шогирдлари устозларидан ўрнак олиб, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш имконини берувчи янгиликларни излаб топишга одатланишган...

Байрам арафасида заводда хушхабар тарқалди. Корхонамиз меҳнаткашлари ярим йил давомида пландан ташқари 4230 тонна пўлат эритиб, йил бошида олинган социалистик мажбуриятларини ортиғи билан бажардилар. Бундай юқори кўрсаткичга эришишда Саида Каримова бошлиқ сифончилар бригадаси аъзоларининг ҳам салмоқли ҳиссалари бор. Чунки, ўтган икки квартал мобайнида улар мусобақада ғолиб чиқиб, ҳар ойда 5 минг тоннага етказиб сифатли пўлат тайёрлаш учун пухта замин яратиб бердилар.

Саиданинг кўп йиллик меҳнати муносиб тақдирланган. Унинг кўксини Меҳнат Қизил Байроқ ордени базаб турибди. Орденли металлург бригадага моҳирона раҳбарлик қилиш билан бирга зиммасига юкланган бир қатор жамоатчилик ишларини ҳам ўз вақтида бажаришга улгуради. Шаҳар партия комитетининг аъзоси, Улуғбек номли ўрта мактаб ота-оналар комитетининг аъзоси сифатида кўплаб шаҳар меҳнаткашларнинг оғирини енгил қилишга, қўлидан келганча уларга кўмаклашишга ҳаракат қилади.

Заводимизда Саида Каримовалар сингари корхонамиз номини улуғлаб келаётган донгдор металлургларнинг сафи йил сайин кенгайиб бораётир. Улар заводимиз фахри бўлган машҳур металлургларнинг ака-ука Саид ва Шамси Нуриддиновлар, Асад Эргашев, Шерали Ҳамроқуловлар изидан бориб меҳнатда янги-янги ютуқларга эришмоқдалар.

Бердиқул ХУДОЁРОВ,
мартен цехи кран машинисти.

ҲИММАТ

Ангрен кўмир саноати корхоналари коллективлари тўққизинчи беш йиллик ва унинг якунловчи йили планларини муваффақиятли бажариш, КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш юзасидан бошланган умумхалқ ҳаракатида фаол иштирок этмоқдалар.

Шахтёрлар йил бошида пландагидан ташқари 118 минг тонна кўмир қазиб чиқариш юзасидан белгилаган юксак марраларини ярим йилдаёқ муваффақиятли эгалладилар. Республикамиз халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун йил бошидан буён топшириқдагидан ташқари етказиб берилган «қора олтин» миқдори 136 минг тоннани ташкил қилди.

Бундай катта меҳнат зафарига кўмир разрези, 9-шахта коллективлари муносиб ҳисса қўшдилар. Юк ортиш транспорт бошқармаси темирйўлчилари эса қазиб чиқарилган кўмирни пешма-пеш ташиш билан кончиларнинг бир меёрда ишлашлари учун қулай шароитлар яратиб беришяпти. Конларда ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, янги, замонавий асбоб-ускуналарни жорий қилишга қаратилган ўнлаб тадбирлар амалга оширилди.

КПСС XXV СЪЕЗДИГА БАҒИШЛАНАДИ

МЕҲНАТ, МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ЭСТАФЕТАСИ

Қўнғироқ чалинди. Ҳамма кенг ва ёруғ залга кирди. Гулдурос қарсаклар билан тантана очилди. Йиғилганлар 13 ва 15-цех ишчи-хизматчиларининг ўтган бир ой давомида, яъни эстафета кунларида зарбдор меҳнатда, маданий ҳаётда ва спортда қўлга киритган ютуқлари ҳақида мароқли суҳбатларни тинглай бошлашди. Сўзга чиққан ўртоқларнинг ҳисоботидан кўриниб турибдики, бу ташаббуснинг бошланиши ва дастлабки самаралари чакки эмас...

Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати — Чирчиқдаги йирик корхоналардан бири. Комбинат коллективи орасида жуда кўп ташаббуслар ва бошқа намунали ишлар туғилган ҳамда улар ижобий натижалар бермоқда. Коллектив ҳар байрамга атаб юз минг сўмлаб пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқаради.

КПСС XXV съездининг келгуси йил февраль ойида чақирилиши чирчиқлик металлургларнинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшиб юборди. Улар жонажон Коммунистик партиямизнинг бу улкан анжуманига ҳар жабҳада қувончли натижаларга эришган ҳолда бориш учун янги ташаббус билан чиқишди. Комбинатнинг пешқадам цехлари, бригадалари ва кўплаб зарбдор ишчилари томонидан «Зарбдор меҳнатимиз — КПСС XXV съездига» шиори остида эълон қилинган эстафетанинг биринчи босқичи тугади. «Меҳнат, маданият ва спорт эстафетаси»ни биринчи бўлиб қабул қилган 13 ва 15-цехларнинг коллективлари эстафета уларнинг меҳнат ва ҳаётида муҳим роль ўйнаганини амалда кўрсатдилар. Ишлаб чиқариш топшириқлари ортиғи билан адо этилди.

Эстафета социалистик мусобақа таъсирчанлигини яна ҳам ошириш, ишчиларда меҳнатга коммунистик муносабат туйғуларини тарбиялаш, социалистик мажбуриятларни ўз вақтида зиёдаси билан бажариш, цехларда оммавий-маданий ҳамда спорт-соғломлаштириш ишларини янада яхшилаш мақсадларини кўзда тутади. 13-цехдан В. Макаров бошлиқ смена коллективи ўтган эстафета ойида бу пунктлар бўйича ҳақиқатан ҳам улкан ютуқларни қўлга киритишди.

Эстафета комбинатдаги энг йирик коллективлардан бири ҳисобланган 2-цехда давом этмоқда. Раҳим Нормуҳамедов кўп йиллардан бери бошчилик қилиб келаётган бу коллектив аъзолари 250 кишидан иборат. Цехда ташаббускорлиги, зарбдорлиги билан танилган Н. Попова, А. Мираховлар бошчилик қилаётган бригадаларнинг азаматлари меҳнат қилишади. Н. Ҳикматов, Б. Қулиев, И. Тўраев, И. Мирзаахмедов каби пешқадамлар ҳар соҳада ҳамкасбларига намуна бўлишмоқда.

Эстафета ишлаб чиқариш, маданият ва спорт бўйича жуда кўп қўрсаткичларни қамраб олган. Давлат планларини ва социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш, маҳсулот сифатига эътиборни кучайтириш, хом ашё ва материалларни тежаш, рационализаторлик ҳамда ихтирочилик таклифларни, янги техника ҳамда прогрессив технологияни жорий этиш, қўл меҳнатини механизациялаш ва автоматлаштириш, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатида иштирок этиш ва бошқа кўплаб шартлар шулар жумласидан.

Эстафета ҳар бир коллективда бир ой давом этиб, энг йирик коллективлар ўртасида ўтказилади. 2-цех август ойида 3-цехга топширади. сентябрда 4 ва 5-цех, октябрда 7-цех коллективлари қабул қилиб олишади. 1-цех коллективи эса февраль ойида эстафетани якунлайди. Топшириш ва қабул қилиш маросимлари ҳар гал металлурглар маданият Саройида тантанали суратда ўтказилади. Ўнда цех коллективи ўз ютуқлари тўғрисида гапириб беради ҳамда эстафетани қабул қилиб олаётган коллективга КПСС XXV съезди шарафига тайёрланган эсдалик совғаси ҳамда альбомни топширади. Эсдалик совғаси кейинчалик комбинат музейида сақланади. Шунингдек, цех бадиий ҳаваскорлари иҳросида концерт кўйиб берилади.

Эстафета ғолибларига бериш учун 1, 2 ва 3-даражали дипломлар ҳамда 1000, 500 ва 300 сўмлик пул мукофотлари таъсис этилган.

Меҳнат, маданият ва спорт эстафетаси давом этмоқда. Омад беллашувларда ҳалол, фидокорона меҳнат билан қўлга киритилади. Омад ёр бўлсин, зарбдор металлурглар!

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ.

БИР КОЛХОЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

КПСС XXV съезди шарафига бошланган социалистик мусобақани кучайтирган Назарали Ниёзов номли колхоз чорвадорлари меҳнатда янги ютуқларни қўлга киритишяпти.

Улар бўрдоқига қўйилган моллари намунали боқиб, ҳар бирини 400 килограммга етказиб семиртиришга эришяптилар. Шу туфайли олти ой ичида 42 тонна гўшт сотилиб, йиллик план ортиғи билан адо этилди.

Гўшт етиштиришни кўпайтиришда Каримберди Эгамбердиев, Мирзоҳид Ҳожиев каби бўрдоқичилар муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

ҲАР ТОВУҚДАН 110 ТАДАН ТУХУМ

Колхозчи Аня Гаврилова беш йилдан бери товуқ боқади. Унинг бу йилги иши ҳам ибратлидир. Қисқа вақт ичида 60 минг дона ўрнига 66 минг дона тухум олинди. Давлатга тухум сотиш планини салкам 130 процент қилиб бажарди.

— Мен, — дейди паррандабоқар, — яна давлатга 40 минг дона тухум топшириш мажбуриятини олдим. Ҳар бир товуқдан қўшимча 50 тадан тухум олишга сўз бераман.

ВАЪДАГА ВАФО

Колхозда жуда кўп илғорлар бор. Улар сут соғиб олиш ярим йиллик планини 120—130 процентдан бажариб қўйишди.

Тамара Алиева энди ўн тўққиз баҳорни кўрди. У 14 сигирни соғиб, кунига 200 килограммга етказиб, сут топширяпти. Ҳар бир соғин сигирдан олаётган сут 15 килограммга тўғри келади.

Ҳамро опа Бойқўзибоева, Кунсулув Атакаева ва бошқа сут соғувчилар ҳар бош соғин сигирдан ҳозиргача 3 минг килограммдан ошириб сут топширдилар ва ўн ойлик мажбуриятларини бажариб **қўйишди.**

ОЗУҚА КУПАЙТИРИЛМОҚДА

Колхозда қишловга тайёргарлик кучайиб кетди. Айниқса дағал хашак жамғаришга кўпроқ эътибор бериляпти. Чорвадорлар 300 ўрнига ҳозирнинг ўзидаёқ 500 тоннага яқин хашак жамғариб, ғарамлаб қўйишди, беданнинг учинчи ўрими ниҳоясига етай деб қолди.

Чорвадорлар учинчи ўримнинг ўзидаёқ планни бажарамиз, дейишяпти. Бу йил бедаларни беш марта ўримдан чиқаришга аҳд қилинди. Колхозда 400 тоннадан ортиқ сенаж тайёрланди. 40 гектар ерга экилган маккажўҳоридан силос босиб бошланди.

М. ҒОЗИЕВ,
Янгийўл райони.

КОСМОСДА ХАЛҚАРО ЭКИПАЖ

Бу кун — 17 июль соат 19 дан 12 минут ўтган вақт инсоният солномасига тарихий аҳамиятга молик воқеа сифатида киради. Совет-Америка қўшма космик парвозининг авж нуқтасига чиқилди: «Союз» ва «Аполлон» кемалари туташди.

Бу кун ушбу сатрлар ёзилаётган Москва областидаги учишни бошқариш марказида қандай ўтди?

Марказ мутахассисларининг бутун куни секундма-секунд, минутма-минут тақсимлаб чиқилган. Шундай бўлсада, «Союз—Аполлон» лойиҳасининг совет томонидан директори профессор К. Д. Бушуев ТАСС махсус мухбирига бир неча калима айтишга вақт топа олди:

— Бугун иш энг тиғиз кун, — дейди у. — Кемалар туташадиган кун! Стартнинг, илмий ва техникавий экспериментларнинг аҳамиятини, ниҳоят, кема экипажини ерга қайтариш ишларининг аҳамиятини камситмоқчи эмасман — у, аммо бугунги кун биз учун одатдан ташқари кун ҳисобланади. Бу кун Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатларидаги олимлар ва мутахассисларнинг кўп ойлик ишлари якунланади. Андрогин туташтириш узели — икки мамлакат инженерлари биргалашиб қилган меҳнат самараси, кемалардаги такомиллаштирилган ҳаёт таъминот системалари, излаш ва яқинлашиш системалари ва бошқа кўп нарсалар бутун дунё олдида имтиҳондан ўтади, бош имтиҳон олувчи эса космоснинг ўзидир.

— Бир-биридан катта масофа нарида учаётган «Аполлон» ва «Союз» дан бир четда яна бир космик кема борлигини тасаввур этиб кўринг, — дейди у. Биз шунинг дарчасидан қараб излаш ва яқинлашиш манзарасини кузатамиз. Олдимизда юлдузлари жимирламайдиган космос билан бири кетиди иккинчиси учаётган икки ёркин нуқталар турибди. Тўсатдан ёркин бир чақнаш космос зулматини ёриб ўтади. Булар — Америка кемаси билан Совет кемасида ўрнатилган импульсли маякларнинг сигналларидир.

—Бу воқеа қачон бўлишини айтиб берсангиз?

— Москва вақти билан соат 16 дан 52 минут ўтганида бўлади. Мен сизга туташтириш операциялари тўғрисида яққол тасаввур берувчи бир схемани кўрсатаман.

Ҳамсуҳбатим 17 июлда кемаларнинг учиш графиги чизилган ватман қоғозни ёзади. Унда туташиш вақтининг соати, минути, ҳатто секундигача кўрсатилган.

— Бу ёққа қаранг, — дейди мутахассис, — бу ерда нечанчи марта айланиб учиш номери, учиш вақти, кемалар ўртасидаги масофа, экипаж машғул ишларнинг қисқача баёни кўрсатилган. Масалан, 34-марта айланишда соат 16 дан 02 минут ўтганида кемалар ўртасидаги масофа 441 километр эди, соат 16 дан 38 минут ўтганида 269 километр, 16 дан 45 минут ўтганида 241 километр, 17 дан 15 минут ўтганида 150 километр бўлган.

Энди, масалан, соат 16 дан 45 минут ўтганида нима бўлишини текшириб чиқайлик. Бу пайтда «Союз»дан «Аполлон» орасида 241 километр бўлади. Шу вақтда «Союз»нинг қабул қилувчи ва жавоб қайтарувчи аппарати билан «Аполлон»нинг қабул қилувчи ва юборувчи радио аппарати ишга туширилади ва ультра қисқа тўлқинли воситалар ёрдами билан «Аполлон» кемаси «Союз» кемасини кузата бошлайди. Кемалар ўртасидаги масофа 150 километргача қисқаради.

Ҳамсуҳбатимни туташтириш борасидаги якунловчи операцияларни ўтказиш билан боғлиқ ишларни бажариш учун чақириб қолишди. Шу соатда Бойқўнғир космодромида нималар рўй бераётганлигини билишга қарор қиламан. У ерда «Союз»—«Аполлон» программаси билан боғлиқ ишлар тугамаган. Иккинчи «Союз» кемаси учишга тайёр, космонавтлар Анатолий Филипченко билан Николай Рукавишников, олимлар, мутахассислар ва стратчилар янги стартга тайёрланиш билан қуйманишяпти. Уларнинг космодромдаги вахтаси «Союз» билан «Аполлон» туташгунга қадар яна бирмунча вақт давом этади. Шундай қилиниши кўзда тутилган.

Учишни бошқариш марказининг бош залига учиш раҳбарлари, «Интеркосмос» кенгашининг раиси академик Б. Н. Петров, Ю. А. Гагарин номли космонавтларни тайёрлаш маркази бошлиғининг ўринбосари А. Г. Николаев, СССРнинг космонавт-учувчилари В. В. Николаева-Терешкова, Б. В. Волинов, О. Г. Макаров, олимлар, конструкторлар, мутахассислар йиғилдилар. АҚШнинг Совет Иттифоқидаги элчиси У. Стессел ҳозир бўлди.

— Томас Стаффорд ва унинг экипажи ҳозир кемаларни жуда муҳим техникавий операциянинг якунловчи босқичи учун зарур маневрларини бажаришяпти, — унсиз саволимга учиш раҳбари А. С. Елисеевнинг жавоби шу бўлди. — Алексей Леонов ва Валерий Кубасов ускуналар ва системаларни туташтиришга тайёрлаш билан боғлиқ ишларни олиб боришяпти. Эшитяпсизми, Леонов билан Стаффорд операциялар қандай бажарилаётганлигини ҳамма вақт бир-бирларига билдириб туришибди. Яқинлашиш участкасида экипажларнинг Москва областидаги ва Хьюстондаги учишни бошқариш марказлари билан сўзлашувлари айниқса кўпаяди. Зарурат туғилса, улар шу залда ўтирган мутахассисларнинг маслаҳатларидан фойдаланишлари мумкин.

Залда ҳамма иши билан банд, жимлик ҳукм сурмоқда. СССРнинг космонавт учувчиси Георгий Шонин экипаж билан алоқа боғлайди. У кемалар ўртасидаги масофани Леоновга маълум қилади. 39 километр. «Аполлон» қамраш территориясига ўтиш маневрини бошлаяпти.

— Тушундим.

Орадан яна бир неча минут ўтади, «Аполлон» тормозлаш ўтказиб нисбий тезлигини бирмунча пасайтиради.

— «Аполлон» кемаси «Союз» кемасини айланиб учмоқда, — дейди Г. Шонин Леоновга. —Ҳаммаси аниқ график бўйича бормоқда. «Аполлон» дастлабки позицияни эгаллади.

Кемалар туташгунича саноқли дақиқалар қолади. Кемалар ўртасидаги масофа 30—50 метрга боради. «Аполлон» «Союз»га нисбатан «осилиб туради». Скафандр кийган Леонов ва Кубасов тушириладиган аппаратга ўтиб олишган, уларни орбитал бўлма билан боғловчи туйнук ёпиб қўйилган.

Кемалар ўртасидаги масофа — 10 метр. «Аполлон» кўлда бошқариш системасидан фойдаланиб «Союз»га яқинлашиб кела бошлайди. Томас Стаффорд оптик визир орқали туташтиришнинг боришини кузатиб, «Союз»нинг туташтириш нишонига қараб мўлжал олади. Бир лаҳза ўтди-ю, кемаларнинг андрогин агрегатлари бир-бирига текканлиги телевизор экранида кўринди. Автоматик бирикиш, тортилиш ва туташув чокининг герметикланиши юз беради. Таблода соат 19 дан 12 минут ўтган эди.

«Союз—19» экипажининг командири Алексей Архипович Леонов Москва яқинидаги учишни бошқариш марказига:

— туташтириш вазифаси бажарилди! — деб хабар қилди. Орбитада ичида биринчи халқаро экипаж бўлган «Союз—Аполлон» космик комплекси уча бошлади».

А. РОМАНОВ,
ТАСС махсус мухбири.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

РЕВОЛЮЦИОН КЕНГАШ МАЖЛИСИ

ЛИССАБОН, 17 июль. (ТАСС). Бу ерда Португалия революцион кенгашнинг мажлиси бўлди. Шу мажлисда мамлакатдаги ички сиёсий аҳвол кўриб чиқилди.

Мажлис тугагач эълон қилинган ахборотда қуйидагилар маълум қилинади: Революцион кенгаш мамлакатда вужудга келган сиёсий тангликни баҳтафсил таҳлил қилди. Бу сиёсий танглик янги ҳукуматни тузиш йўли билан бартараф этилиши лозим. Халқ-демократик партиясининг аъзолари бўлган министрлар кенгашга баён қилиб берган шартлари қабул қилинмаганлиги сабабли улар муваққат ҳукумат составидан истеъфога чиққаниклари кенгаш инобатга олди.

Мажлисда ташқи ишлар министри Э. Мелу Антуниш Анголадаги аҳвол тўғрисидаги доклади ҳам кўриб чиқилди ва Анголадаги Португалия ҳарбий қўмондонлигининг ишини маъқуллаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Кенгаш собиқ фашистлар, махфий сиёсий полиция раҳбарлари ва ходимлари ҳамда Португалия халқига қарши жиноят қилганликлари учун жавобгар бўлган фашист давлати бошқа органларининг раҳбарлари ва ходимларини суд қилиш учун ҳарбий трибунал ташкил этиш тўғрисидаги қонунни маъқуллади.

Революцион кенгаш мамлакатда ҳозирги пайтда Португалия революцияси олдида турган мураккаб проблемаларни ҳал қилишга қулайлик туғдирадиган осойишта вазиятни таъминлаш учун халқни ўз гражданлик бурчини бажаришга даъват этди.

К. ВАЛЬДХАЙМНИНГ ҚУТЛОВЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 18 июль. (ТАСС). БМТ Бош секретари К. Вальдхайм «Союз» ва «Аполлон» кемаларининг беш мард космонавтига, Совет Иттифоқи ва АҚШ ҳукуматларига улуғ муваффақият — икки космик кема туташтирилганлиги муносабати билан самимий қутловлар йўллади. Бутун дунё космик фазодан тинч мақсадларда фойдаланиш уни тадқиқ этишдаги тарихий лаҳзанинг гувоҳи бўлди, дейилади БМ. Бош секретарининг бу ерда эълон қилинган баёнотида. Совет Иттифоқи ва Қўшма Штатлар космик кемаларининг туташтирилиши инсоният тарихидаги муҳим босқичдир. Бу муваффақиятга СССР билан АҚШ ўртасида «Союз» ва «Аполлон» космик кемаларини учиришга тайёргарлик кўриш ва уни ташкил этишдаги ҳамкорлик туфайли эришилди.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ПАРИЖ. Франциядаги энг йирик касаба союз бирлашмаси бўлган умумий меҳнат конфедерацияси Чили Коммунистик партиясининг бош секретари Луис Корваланнинг ва бошқа сиёсий маҳбусларнинг дарҳол озод этилишини талаб қилди. Ҳарбий-фашист хунта, дейилади Парижда эълон қилинган баёнотда, халқ бирлиги энг нуфузли раҳбарларини - турмаларда ва қамоқ лагерларида аста-секин ўлимга маҳкум этмоқда, ишчилар ҳаракатининг арбобларига қарши репрессияларни кучайтирмоқда.

ПАРИЖ. Франсияда баъзи молларнинг нархи яна оширилганлиги бу ерда расмий эълон қилинди. Биринчи августдан бошлаб сут маҳсулотларининг нархи 2—3 процент қимматлашади, қанд нархи анча ортади, гулқоғоз нархи 7 процент қимматроқ бўлиб қолади.

КОТОНУ. Қурғоқчиликка ва саҳроннинг босиб келишига қарши олиб бориладиган кураш кампанияси «яшил сахель» операцияси деб аталадиган бўлди. Нигер республикаси олий ҳарбий кенгашининг раиси Сейни Кунче ана шуни эълон қилди. У ўз нутқида мактаб ўқувчилари ва олий ўқув юртларининг студентларини ёзги каникул даврида ана шу кампанияни амалга оширишга актив кўшилишга даъват эди.

ВАШИНГТОН. Сўнгги икки йил ичида Қўшма Штатларда бензин нархи қариб икки баравар қимматлашди, ҳукумат мутахассисларининг айтишича, яқин ойлар мобайнида бензин нархи яна ҳам кўтарилади. Энергетика федерал бошқармасининг директори Ф. Зарб конгресс комиссияларидан бирида нутқ сўзлаб, сентябрь ойнинг бошларига борибо бир баллон бензин яна беш цент қимматлашиши мумкин, деб огоҳлантирди. Бу эса бир автомобилни заправка қилиш америкаликка 15—16 долларга тушишини билдиради, унинг ёнилғи учун ой сайин қиладиган харажатлари 100 долларга борибо қолади.

ВЬЕНТЬЯН. Лаос озод қилинган районларнинг аҳолиси мамлакатнинг ўрмон бойликларини ишлашга киришди. Ўрмон планли равишда кесила бошланди. Ўрмонзорларни қўриқлаш юзасидан комплекс тадбирлар амалга оширилмоқда. Мамлакатдан ёғоч экспорт қилиш кўпайтирилмоқда. Расмий маълумотларга кўра, Каммуан Саваннакет ва Тавенок вилоятларининг ўзидагина ёғоч экспорт қилишдан мамлакат 1974 йилда 280 минг доллар олди. Ҳозир мутахассислар ёғоч чиқитларидан скипидар ишлаб чиқариш планини ишлаб чиқмоқдалар. Скипидар миллий саноат эҳтиёжлари учун ишлатилади ва экспортнинг яна бир моддаси бўлиб қолади.

(ТАСС).

ФАН ВА ТУРМУШ

МОЛЕКУЛЯР БИОЛОГИЯ ВА ГЕНЕТИКА

Е. ТУРАҚУЛОВ,
Ленин мукофоти лауреати,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
ҳақиқий аъзоси.

Ўтган йили КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети мамлакатимизда молекуляр биология ва молекуляр генетикани жадал ривожлантириш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Фан-техника жуда тез ривожланиб бораётган ҳозирги замонда биология ва бир қатор бошқа фан тармоқлари «чорраҳа»сида вужудга келган энг ёш соҳа — молекуляр биология айниқса жадал суръатлар билан совет мамлакатимизда тараққий этди. Унинг келгусидаги равнақини яна ҳам жадаллаштиришга қандай эҳтиёж бор, нима учун бу ҳақда алоҳида қарор қабул қилинди?

Бу саволга КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг қўрик, ер лар ўзлаштирила бошланганлигининг 20 йиллигига бағишлаб Олмаотада ўтказилган тантанали мажлисда сўзлаган нутқида яхши жавоб берилган: **«Қишлоқ хўжалиги** — деган эди ўшанда Леонид Ильич, — **қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини революционлаштиришга қодир бўлган янги ғояларга, ўсимликлар ва чорва молларининг табиати тўғрисида биохимия, генетика, молекуляр биология бериши мумкин бўлган фундаментал билимларни донмо қўлайтиришга муҳтождир».**

Бу гаплар фан-техника тараққиётининг ҳозирги босқичида партия ва ҳукуматимиз молекуляр биологияни ривожлантиришга нақадар катта аҳамият бераётганлигини яққол кўрсатиб турибди. Чунки қишлоқ хўжалигини, медицинани ва бошқа соҳаларни мисли кўрилмаган зўр суръатлар билан ривожлантиришда молекуляр биология ва молекуляр генетика фавқулодда муҳим аҳамият касб этади.

Молекуляр биология илм-фаннинг XX аср ўрталарида шаклланган энг ёш тармоқларидан бири бўлиб, у тирик табиатнинг теран сирларини ўрганишда батамом янги босқич ҳисобланади. Бу фан ҳужайра ичида жойлашган, ҳужайрадан қуйи даражадаги структураларни то уни ташкил қилувчи макромолекулаларгача («макро» — юнонча «узун», «катта» демакдир) чуқур ўрганиш жараёнида, бу тадқиқотларда хилма-хил физикавий ва химиявий усулларни қўллаш, энг янги асбоб-анжомлардан фойдаланиш, ҳаёт ҳодисалари тўғрисида қўлга киритилган энг охирги муваффақиятларни ишга солиш натижасида пайдо бўлди ва шакланди. Шу тарика, кўриниб турибдики, молекуляр биология тирик организмларда бўладиган моддаларнинг химиявий тузилиши ва хусусиятлари, шунингдек организмларда кечадиган ҳар хил химиявий жараёнларни ўрганувчи биологик химия негизида вужудга келган «дурагай» фан ҳисобланади.

Бу фанда бир қатор фанларнинг (физика, химия, кибернетика, кристаллография, математика, техниканинг айрим соҳалари) сўнгги муваффақиятлари жамуджам бўлган. Организмлардаги энг муҳим ҳаётий ҳодисалар; ўсиш, ривожланиш, дифференцияланиш (айрим структураларнинг бошланғич материалдан ажралиб ривожланиши), ирсият, ўзгарувчанлик, бевақт ўлимга сабаб бўладиган ҳавфли ўсмалар, ирсий ҳамда вируслар келтириб чиқарадиган касалликлар, иммунитет (организмнинг дард қўзғовчи микробларга қарши кураш қобилияти ва воситалар), хаттоки кишининг руҳий ҳолати қандай кечишигача ўрганиш, — буларнинг ҳаммасини билиш молекуляр биология олдида турган шарафли вазифалардир.

Қисқа вақт — чорак аср ичида бу фан ҳайратомуз ютуқларни қўлга киритди. Чунончи, табиатнинг қийин жумбоқларидан бири — ирсият ва ўзгарувчанликнинг молекуляр асосларини очиб бериб, генетика илгариги тахминлар, хаёлий тасаввурлар соҳасидан олиб чиқиб, молекулалар ўртасидаги ўзаро муносабатларга асосланадиган аниқ фанга айлантирди. Бу фан қўлга киритган яна муҳим ютуқ шуки, ҳужайранинг ҳаётий фаолиятини ташкил этадиган оқсилларнинг организмда синтез қилиниш механизми кашф этилди. Ақлни шоширадиган мазкур муваффақиятлар ёш фан ўзининг яна нималарга қодирлигини тез вақт ичида кўрсатишига кишида умид туғдиради.

Ҳаёт ҳодисаларининг биологик механизмлари чуқур ўрганилганда башарият олдида қандай истиқболлар очилишини ҳозир ҳатто тасаввур қилиш ҳам қийин. Масалан, олимлар ирсиятни ва модда алмашинувини бошқариш йўлини билиб олсалар, тирик организмларни, яъни ўсимлик, ҳайвон ва микроорганизмларни бемалол ўзлари ҳоҳлагандек қилиб «ясай берар» эдилар. Ҳозир кўп кишиларга азоб бераётган рак наслий касалликлар каби бир қатор оғир дардлар даф бўлган бўлур эди.

Кейинги ўн йил ичида молекуляр биология ва молекуляр генетика бизнинг республикамизда ҳам сезиларли ютуқларни қўлга киритди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Биохимия институтида қалқонсимон безнинг асосий оқсили бўлмиш тиреоглобулин биосинтезининг молекуляр механизми ва турли касалликларда бу оқсил таркибида рўй берадиган ўзгаришлар, ҳужайра структураларига тиреоид гармони таъсирининг молекуляр механизми ўрганилди. Илондан ва бошқа ҳайвонлардан олинган токсинлар (ҳайвон ва ўсимликларда бўладиган ва организмларга заҳарли таъсир кўрсатадиган моддалар) ҳамда ферментлар таркибини, таъсир механизмини тадқиқ этиш 1973 йилда Ўрта Осиё кўз ойнакли илони заҳаридан олинган токсин II ва I нинг бирламчи структурасини (оқсил молекуласидаги аминокислоталарнинг жойлашишини) аниқлаш имконини берди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида молекуляр генетика соҳасида қилинган ишлар ичида касалликлар ва зараркунандаларга бардошлилик даражаси ҳар хил бўлган ғўза навлари чигитининг нуклеин кислотаси таркибини текшириш, жумладан, вилтга чидамли ва вилтга чидамсиз навлар ДНКси таркибидаги нуклеотидлар тафовутини аниқлаш, вилтга сабаб бўлувчи замбуруғ ДНКси билан ғўза ДНКси молекулаларининг касаллик даражасига қараб комплементарлик даражасини фарқлаш юзасидан диққатга сазовор ишлар қилинди. Ўзбекистон Фанлар академияси Биохимия институтининг нуклеин кислоталар лабораториясида бажарилган бу ишлар ўсимликларнинг турли-туман касалликларга бардошлилигини тезда аниқлаш, ҳужайрада бўладиган молекуляр ўзгаришларни дарҳол пайқаб, тегишли чоралар кўриш сингари муҳим аҳамиятга молик тадбирларни амалга ошириш имконини беради.

Ўсимликлар экспериментал биологияси институтида дурагайлашнинг классик усулларини қўлланиш баробарида молекуляр генетика, ген инженерияси ва цитогенетиканинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланиб, хромосомалар, хромосома сегментлари (бўғимлари) ва генларни кўчириб ўтказиш йўли билан ғўзанинг янги-янги замонавий навларини қўлайтириш бўйича қизиқарли ишлар амалга оширилмоқда.

Шак-шубҳа йўқки, партия ва ҳукуматимизнинг фанни ривожлантириш тўғрисидаги ғамхўрликларидан илҳомланган республикамиз олимлари молекуляр биология ва молекуляр генетикани ривожлантириш ҳамда бу фанларнинг ютуқларидан халқ хўжалигида фойдаланиш борасида ҳам янгидан-янги ютуқларга эришадилар.



«Гипронниполиграф» институтининг Тошкентдаги филиали чинакам тадқиқот ўчоғига айланган. Илмий муассасанинг конденцияланштирилган ҳаво лабораториясига янги типдаги мураккаб асбоб-ускуналар ўрнатилган. Суратда: лаборатория мудири В. Клейман (чапда) ва катта техник А. Турсунхўжаевлар иш устида.

С. Маҳкамов фотоси.

ОСМОНДА ҚАНЧА БУЛУТ БОР

Қозоғистон олимлари ер ости сувлари, дарёлар, музликлар каби табиатнинг нодир манбалари қатори булутларни ҳам ҳисобдан ўтказишмоқда.

Аниқланишича, оддий булутнинг бир куб километрида минг тонна сув, яъни ўзлаштирилаётган чўл, сахро, даштларининг бебаҳо хазинаси бор экан. Қозоғистон гидрометеорология институти олимлари йилнинг ҳар бир фаслида қанча булут йиғилишини ўрганибгина қолмай, республика территориясидан сузиб ўтаётган булутларнинг шакли, ҳарорати, таркиби шуниндгек, булутли майдон эволюцияси билан ҳам қизиқишяпти.

Уз мақсадларини амалга оширишда учувчи лаборатория — аэрологик ускуналар билан жиҳозланган самолётлардан фойдаланилмоқда. Шунингдек, Ернинг сунъий йўлдошлари ёрдамида олинган маълумотлар, метеорологик радиолокаторда олиб борилган кузатишлар ҳам уларга қўл келмоқда.

МУЪЖИЗАМИ ЁКИ ҚОНУНИЯТ?

ЦИРК артистларининг жозибали номерларини маҳорат билан ижро этишларини кўриб ҳайратланамиз. Қарсаклар чалиб олқишлаймиз. Аммо улар ижро этадиган барча номерлар физика-математика фанининг қонуниятлари асосида яратилганини ҳамма ҳам тушуниб етмаса керак.

Мана, уларнинг баъзилари.

ДОР устида юриб кетаётган дорбоз лангарни гоҳ бир ёнга, гоҳ иккинчи томонга оғдириб, ўзининг мувозанатини сақлайди. Баъзилар эса лангарсиз ҳолда сим устида икки қўлини қимирлатиб, мувозанатини тутиб туради.

Маълумки, физикада турғун ва турғунмас мувозанат қонунлари бор. Ҳар қандай жисмнинг оғирлик маркази ерга тик ҳолда (вертикал) сақланса турғун мувозанатда бўлади. Жисмнинг оғирлик маркази у итариб турган юзадан ташқарига чиқса, жисм йиқилади. Лангар ушлаган ёки лангарсиз дор устида юрган дорбоз ҳамиша ўз оғирлик марказини ерга тик ҳолда сақлашга ҳаракат қилади. Бу эса унинг мувозанатининг турғунлигини таъминлайди.

МАСХАРАБОЗ ўз костюмини юқорида осилиб турган темир парчасига қараб отади, костюм илиниб қолади, бир неча дақиқадан сўнг қўлига қайтиб тушади. Бу процессни у бир қанча марта такрорлайди. Қойил! Илгари йўқ буюмга костюм қандай қилиб ёпишадию қандай қилиб қайтиб тушади? Сирини осонгина тушунса бўлади...

Костюм ёқасига сезилмайдиган қилиб металл пластинка тикиб қўйилади. Юқоридаги металл пластинка эса ўзгарувчан магнит майдони ҳосил қиладиган манба уланган бўлади. Машқларни масхарабоз магнит ҳосил бўлиш даврини яхши ўзлаштирган ҳолда олиб боради.

ДОИРАВИЙ турникда 6—6 гимнастикачи тез айланма ҳаракатлар қилиб, маҳорат билан машқ кўрсатишяпти. Улар бир-бирига урилиб кетмасмикин, деб ҳайратланади томошабинлар. Аслида айланма ҳаракатдаги гимнастикачилар бир-биридан маълум фазага фарқ қиладилар.

ИККИ гимнастикачи икки тарафда маълум масофада туриб, учинчи шерикларини бир-бирига отишиб, ушлаб олишади. Ўртадаги гимнастикачи шу орада гоҳ бир айланиб, гоҳ икки-уч айланиб ўтади. Бунда бир айланганда ҳам, бир неча марта айланганда ҳам айлана узунлиги икки гимнастикачи оралиғидаги масофага тенг бўлиши шарт. Акс ҳолда номер муваффақиятли чиқмайди.

Муз устида айланаётган конькичи ўз айланма ҳаракатини борган сари ошириш учун қўлини кўкрагига босиб олади. Бунинг сабаби нимада? Конькичи қўлини кўкрагига босганда, у гавдасининг вертикал ўққа нисбатан инерция моментини камайтиради. Бунда қўлнинг массаси вертикал ўққа яқинлашади. Инерция моментининг бу намойиши ташқи куч воситасида эмас, ички куч воситасида бажарилади ва ҳаракат моменти ўзгармайди. Шунинг учун ижрочи ўз инерция моментини қанчалик камайтирса, бурчак тезлиги шунчалик ортади.

АЖОЙИБОТЛАР

ИЛОНХЎР ҚАРҚУНОҚ

Шу йил баҳор кунларининг бирида қарқуноқнинг кичкина сув илонини тумшуғида олиб кетаётганини одамлар ўз кўзлари билан кўришди.

Маълумки, баҳор ойларида ўлкамизга ер юзининг турли томонларидан қушлар учиб келади. Қарқуноқсимон қушлар ҳам апрелнинг охиридан то октябрь ўрталаригача асосан Тошкент воҳасида ва Фарғона водийсидаги боғларда, далаларда, ўрмонзорларда яшайди. Ёз ойларидагина учиб келадиган бу қушларнинг ҳаёт тарзи, овқатланиши, кўпайиши ва бошқа масалалар билан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Зоология ва паразитология институтининг илмий ходими, биология фанлари кандидати Собир Матёқубов қизиқиб қолди.

Олим, аввало, бу қушларнинг турини аниқлади ва улар нималар билан озиқланишини ўрганди. Маълум бўлишича, қарқуноқсимон қушлар капалак қурти, чигиртка каби зараркунанда ҳашаротларни, ҳаттоки кемирувчилар ва илонларни ҳам еб, қишлоқ хўжалигига катта фойда келтирар экан.

ЭЛЕКТР ВА СУЯК

Бундан ўн етти йил бурун автомобиль ҳалокатида америкалик Мэри Кроссинг билак суяги синган эди. 25 маротаба операция қилинса-да, суякни ўстиришни иложи бўлмади. Охири Мэри доктор Р. Беккерга мурожаат қилган эди у электр токидан фойдаланишга жазм этди. Р. Беккернинг даволаш усули бўйича платина ёки кумуш электродлар тўғридан-тўғри синган суякнинг устига қўйилади ва электр токи юборилади. Гарчанд, 500 га яқин шундай тажриба самарали ўтказилган бўлса-да, на бир олим ёки врач ушбу ҳодисани шарҳлаб, тушунтириб беролмаяпти.

Фандаги мавжуд назарияга кўра, ушбу тажриба оҳир-оқибатда икки хил натижага олиб бориши мумкин; яъни суяк тўқималари сигналларни қабул қилиб оларкан, жароҳат буткул битиб кетгунча ўсишда давом этади. Яна бир бошқа назарияга кўра, синган суякнинг ўрни битиши ёки битмаслигидан қатъий назар орадан икки-уч ой ўтар-ўтмас суяк ўсиши тақа тўхтайди.

УЗОҚ САҚЛАНАДИ

Япония химиклари турли мева, сабзавот, тухум ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бузилмай, узоқ вақт сақланишига ёрдам берадиган қизиқ модда ишлаб чиқишди. Унинг киши саломатлиги учун сира зарари йўқ, чунки бу модда таркиби асосан желатин (ёш мол суягидан ва терисидан тайёрланадиган энг яхши нав шаффоф, елимшак модда), крахмалдан иборат бўлиб, буларга фақат яна озгина овқат крахмали қўшиб тайёрланади. Янги модданинг ҳеч қандай иси йўқ ва уни сув билан ювиб юбориш ҳам осон. Усти янги модда билан копланган озиқ-овқат маҳсулотлари, одатдаги шароитда сақланадигандан учтўрт марта узоқ вақт айнимай туравераркан.

ТИЛЛА ҚУРБАҚАЛАР

Беҳосдан кўзингиз тушганда баданингизни жунжиктириб юборадиган қурбақанинг ҳам антиқа хиллари — тилла ранглиси бўларкан. Бундан жониворлар фақатгина Панамада учрайди. Зоологлар уларнинг ер юзасидан патрат топиб кетаётганини аниқлашди. Ўз қавмларидан кескин ажралиб турадиган бу чиройли маҳлуқ ҳоли ва узлатли сукунатга чўмган облоқ жойларда яшайди. Шаҳарлар тутул, ҳатто қишлоқ яқинларида ҳам у уруғ сочишни ўзига эп кўрмайди. Одамлардан йироқ, сув қуйгандек жимжит чеккалар бу жонивор ҳаёти учун энг зарур шароитдир.

Ҳозир бу ажойиб қурбақа турини сақлаб қолиш учун барча тегишли чора-тадбирлар кўрилган. Аэродром, завод ва фабрикалардан йироқда жойлашган тинч бир водийга уларни эҳтиётлик билан кўчириб, етарли шароитлар муҳайё қилинди. Янги шароитга анча кўниккан «тилла қурбақа»лар энди махсус қонун ҳимоясида яшамоқда. Ўзига хос бу қўриқхонанинг теварак-атрофига —«ким, бу ерда шовқин сола кўрманг!» деган эълонлар осилган.

Қўриқхонадаги йўл бошловчилар бу жониворларни махсус томоша қилгани келган туристлардан, ҳатто, «ортиқча ҳаракат қилмайман, овоз чиқармасдан оёқ учида юраман» деган мазмундаги тилхатлар ҳам олади.

Устоз ва шогирд зоологлар. Чиндан ҳам Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, профессор Т. Зоҳидов истеъдодли фан соҳиби Ғ. Комиловнинг ҳурматли устози. Суратда: академик Т. Зоҳидов билан биология фанлари доктори Ғ. Комиловлар.

РАНГ-БАРАНГ МАККАЖЎХОРИ

Мендель номли институтда ўн беш йил давомида ўтказилган тадқиқотлар натижасида ранго-ранг барглн маккажўхорининг икки нави яратилди. Бунда Чехословакия селекционерлари Японияда ўсиб, барглари қизил, сариқ ёки оқ ранг яшил ранг билан аралашган макканинг навидан фойдаландилар. Янги нав маккаининг барглари қизил-яшил ҳамда сиёҳранг қизил-яшил тусдадир.

Бундай навларининг барглари қуёш нурига яхши тўйган далалардагина ранг-баранг тусда бўлиб, дони эса одатдаги макка донидан ҳеч фарқ қилмайди. Янги нав маккажўхорилар асосан парк ва боғларда, йўл бўйларида экиш учун мўлжалланган.

СЎЛИМ ОРОМГОҲЛАР, ДИЛБАР ГЎШАЛАР

Республикамиз тупроғи битмас-туганмас бойликлари, жавоҳирлари билангина эмас, минерал сув манбаларининг кўплиги билан ҳам машҳурдир. Биргина Фарғона областидаги Чимён сульфидли минерал суви таркибида химиявий элементларнинг кўплиги, уларнинг шифобахш хусусиятлари билан Сочи-Мацеста курортидан қолишмайди. Мазкур сув ваннасини қабул қилган киши организмида модда алмашиниши яхшиланади. Бўғин, мускул ва нерв касаллигида рўй берадиган яллиғланиш жараёнлари йўқолади. Бундай хусусиятга эга бўлган водород сульфидли минерал сувлар Чимёндан ташқари Андижон яқинидаги Жайронхона ва Учқизилда ҳам кўплаб беморлар дардига шифо беряпти.

Республикамиз курортларида ичиладиган минерал сувлар қатор афзалликлари билан эътироф этилган. Бу хилдаги сувлар оғиз бўшлиғидаги нозик нерв учларига таъсир этиш йўли билан ошқозон ишини тартибга солади. Уни эрта саҳарда, пешинси ўзгартирилади, яъни, овқат кейин ичиш сувнинг ҳарорати ва билан меъданинг бузилган функциякимёвий таркибига боғлиқдир. Бу сини ўзгартирилади, яъни, овқат ҳазм бўлиши учун зарур ҳисобланган меъда ширасини ишлаб чиқарилишини тезлаштириш ёки секинлаштириш мумкин.

Ҳозирги пайтда «Тошкент минерал суви» ана шундай фазилатлари билан республикамиздагина эмас, Иттифоқда ҳам машҳурдир. Шунингдек, «Фарғона», «Чортоқ», «Самарқанд» минерал сувлари ҳам аҳолига манзур ва тансиқ ҳисобланади.

Шифобахш балчиқлар эса таркиби бир қанча органик ва ноорганик кислоталарга баъзи зарарли микроблар қушандаси ҳисобланган антибиотик моддаларга эга. Кўлларидан келтирилган, кўпгина санаторийларда қўлланилаётган бу хилдаги балчиқлар киши организмига, аввало, иссиқлик фактори билан таъсир кўрсатади.

Халқимиз баъзи касалликларни қимиз билан азалдан даволаб келган. Уттизинчи йилларда Паркент ва Янгибозорда қимиз шифохоналари ишлаб турарди. Кейинчалик бу шифобахш воситa даволанишда деярли қўлланилмай қолди. Тўғри, кейинги пайтда баъзи санаторияларда беморларга маълум муддатларда ва маълум миқдорда қимиз ичирилиб дардига шифо топиляпти. Келгусида сўлим тоғ этакларида махсус қимиз шифохоналари барпо этилишига ишончимиз комил.

Республикамизда 200 дан ортиқ минерал сув манбалари, 100 дан ортиқ тоғ ёнбағирларига жойлашган баҳаво ва хушманзара манзилгоҳлар ўрганилди, уларнинг кўпчилигида иклимий ҳайда бальнеологик (минерал сув воситасида даволовчи) шифохоналар барпо қилинди.

Меҳнат оғпускасини иттифоқимиздаги намунали курортларда ва дам олиш уйларида ўтказишга нима етсин! Лекин, курортолог врачларнинг фикрича, республикамизда ҳам кўнгилдагидек дам олиш ва даволанишга имкониятлар бор экан. Дарвоқе, узоқдаги оромгоҳларга, санаторияларга дам олиш ёки даволаниш учун борилганда, аввало, ўша жойнинг иқлим шароитига мослашиш учун маълум фурсат талаб қилинади, бунга устма-уст кўп вақтингиз ва маблағингиз ҳам сарф бўлади.

Бўстонлиқ районидаги «Оқтош» ва «Чимён» курортлари, «Бурчмулла», «Обирахмат» дам олиш уйлари меҳманларга манзур тушган. Район территориясидаги Чорбоғ сув омборининг юзага келтирилиши атрофидаги яйдоқ тоғ этаклари иқлимини юмшатди. Шу кунларда бу ерда 2 санатория, 10 дам олиш уйи, 5 пансионат, 25 пионерлар лагери барпо этилмоқда. Уларнинг баъзилари эса ҳозирданоқ дам олувчиларни, даволанувчиларни ўз қучоғига олаяпти. Кумушкон ва Сўқоқ дам олиш уйларини таърифлаш ортиқча албатта, улар аллақачон халқимиз тилига тушган.

Наздимизда олис туюлган, лекин долғали гувури, шовуллаши шундоққина қулоғимизга чалинаётган Амударёнинг Мўйноқ ярим оролида 200 ўринли дам олиш уйи барпо қилинди. Бундан ташқари республикамизда улкан сув омборларининг вужудга келтирилиши унинг атроф теварагидаги ҳавони намлатяпти, ҳароратини пасайтяпти, дам олишга қулайликлар яратяпти. Оҳангарон дарёси ўзанида барпо топган «Тошкент денгизи» Тошкент, Олмалиқ шаҳарлари аҳолисининг энг севимли масканига айланиб қолди. Каттақўрғон сув омбори атрофлари ҳам йилдан-йилга кўкаламзорлаштирилмоқда. Термиз яқинидаги Учқизил сув омбори атрофида ҳам бирнеча дам олиш зоналари вужудга келтирилди.

Мана, кўряпсизки, республикамиз ўзининг сўлим табиати, оромижон масканлари билан ниҳоятда доврўғ қозонган экан. Фақат улардан эстетик лаззатлана билиш, ажиб тароватидан роҳатланиб тўйиш сиз билан бизга боғлиқ.

Республикамиз табиатидаги сўлим ғўшалар, оромгоҳ масканларнинг кўплиги курорт тармоқларини янада кенгайтириш ва ривожлантиришни, дам олиш уйларини, зоналарини кенгайтиришни тақозо этяпти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг Тошкент область ти ва Фарғона водийсида махсус дам олиш зоналарини барпо қилиш тўғрисидаги қарори шу жиҳатдан халқимиз кўнгилидаги айни муддао бўлди. Ҳозир бу борада катта амалий ишлар олиб бориляптики, якин келгусида республикамиз Иттифоқда энг йирик ва дилтортар оромгоҳ марказларидан бирига айланади.

З. МАҲАМАТИЛЛАЕВ,
Ўзбекистон курортология ва физиотерапия илмий текшириш институтининг бўлим мудири, география фанлари кандидати.

Саҳифа материалларини журналистлардан А. МУҲАММАДҚУЛОВ, Ҳ. НУРМУҲАМЕДОВ ВА К. ХОЛМУҲАМЕДОВлар тайёрлашган.

Янги шеърлар

ДЕРАЗАНГДАН БОҚАМАН

Ой бўлиб, ҳам кун бўлиб,
Деразангдан боқаман.
Шаршара дарё бўлиб,
Тунда чироқ ёқаман.
Кунга сен боқсанг, гўзал,
Билгил дилим тафти бу.
Ойга сен боқсанг, гўзал,
Бедор тунимнинг ҳади бу.
Тунда сен ёқсанг чироқ,
Бу кўзимнинг нуридир.
Тингласанг сен бир қўшиқ
Бу дилимнинг дуридир.
Гулга сен боқсанг агар,
Унда меҳрим бўйи бор,
Елга сен тутсанг қулоқ,
Севгимизнинг куйи бор,
Сенга, жоним, боқаман,
Жумлаи борлиқ бўлиб,
Бир қара чақмоқ бўлиб,
Бахтимга ёрлиқ бўлиб.

Ҳайдар МУҲАММАД.

АДАШМАЙ ЎТСИН

Отга қамчи бос, жўра,
Тизгинни берма қўлдан.
Сен билан кетаяпмиз,
Боболар ўтган йўлдан.
Чўққиларга интилиб,
Сўқмоқда қолдиргин из.
Қўёш қувиб, манзилга
Шошаяпмиз иккимиз.
Отларимиз хўп учқур,
Манзилимиз кўп йироқ.
Таҳликага солар гоҳ,
Чақмоқ, момақалдироқ.
Сўқмоқларда излар кўп...
Юракда орзу, ҳаёл.
Оддий чўққи олдида,
Манзил деб турмайлик лол.
Манзил... биздан йироқда,
Отга қамчи бос, дўстим!
Биз кашф этган сўқмоқдан,
Адашмай ўтсин ҳар ким...

СИРЕНЬ ГУЛ АТРИ

Сирень гули атр пуркайди,
Юрагимга солиб бир тугён.
Деразангнинг ёнгинасида,
Сарсон кезар шўҳа ва ҳижрон.
Сирень гули атр пуркайди,
Ўз бағрига олади ҳаёл:
Деразангнинг ёнгинасида
Сен турибсан, йўл бермас ҳаё.
Сирень гули атр пуркайди,
Атр пуркар юлдузли осмон.
Деразангнинг ёнгинасида,
Энтикиш ва соғинч, ҳажжон.
Сирень гули атр пуркайди,
Ариларга улашади бол.
Деразангнинг ёнгинасида
Қўшиқ айтар жимгина висол.

ТЎРТЛИК

Онанинг бағрида талпинар гўдак,
Олис юлдузларга талпинар гўё.
Талпинар истиқбол, нурли келажак,—
Онанинг бағрида яшарар дунё!

Худойберди ЭШОНҚУЛОВ.

ҚУРУВЧИ ФАҲРИ

Узоқлардан таралар наво,
Жўр бўлади куйига анҳор.
Гуллар исин ташийди сабо,
Рақсга тушар барглар беғубор.
Қатор-қатор бинога қараб,
Олам-олам шодлик туяман.
Ахир мен ҳам ҳар куни яйраб,
Пойдеворга ғиштлар қўяман.

И. ИСМОИЛОВ.

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов районидаги 20-болалар боғчасида тарбия ишлари намунали йўлга қўйилган. Меҳрибон тарбиячилар кичкинтойлар билан турли мавзуларда мазмунли суҳбатлар ва эрталиклар ташкил этишмоқда. Суратда: болалар тарбиячиси Ҳожия Нуриддинованинг қизиқарли эртагини мароқ билан тинглашмоқда.

С. Маҳкамов фотоси.

БЕКОРВОЙЧИЛАР

А. ҲАЙТ

(Ҳажвия)

Мен, азизлар, командировкадаги одамман. Кам ичаман, кам овқат ейман. Папиросни бўлса, умуман оғзимга олмайман.

Қисқа қилиб айтганда, командировичнийларга бериладиган икки сўм олтмиш тийин менга бир кунга бемалол етади. Менинг даъвоим пулга эмас, халқимиз пулини эҳтиёт қилмаётган баъзи кишиларгадир.

Мана масалан, шу бугунги воқеани олиб кўрайлик. Мен ўтган ойда бир иш важидан республикамизнинг катта шаҳарларидан бирига бориб қолдим. Менги ҳайратга солган нарса шу бўлдики, соат 3 айни иш қизиган пайт бўлишига қарамай, кўча гавжум эди. Ҳамма қаёққадир югуради, қаёққадир шошилади. Бир-бирини туртади, бир-бирини итаради. Бирининг қўлида портфель, бирининг қўлида сумка, қаёққадир ошиқади. Бир соатча уларнинг ҳаракатини кузатиб турдим. Тавба, нима учун улар иш пайтида кўчада юришибди? Нима, буларни тергайдиган одам йўқми?

Шу алпозда 20 минутча туриб қолдим. Қани энди одамлар камаяй деса! Улар кўпайгандан кўпайиб борарди. Бу сир-асрорни билишга бутун вужудим билан қизиқиб қолдим. Қани, биттасидан сўрай, дейман. Нимадан ураман! Барибир бу ерлик эмасман-ку?

Жуда катта партфель кўтарган, ҳам зиёли башара битта кишидан дангал сўрадим:

— Ўртоқ, мени кечиринг, лекин шу саволимга жавоб берсангиз: Нима учун сиз иш пайтида кўчада юрибсиз?

— Менми? Қимматли дўстим, мен шу пайтда ишдаман. Мен министрликка кетаяпман,— деди у.

— Министрликка дейсизми?... Унда нима учун апельсинга навбат кутиб тирибсиз?

— Мен шунинг учун ҳам турибманки,— деб жавоб берди у.— Кундан кунга эҳтиёжимиз ошиб бораётир. Агар уни ўзимиз қондирмасак, унда ҳеч ким биз учун жон қойитмайди.

Қисқаси, гапни чалғитмоқчи. Мен ҳам аноён эмасман, дангалига сўрадим:

— Бу қанақаси бўлди энди? Сиз, демак, апельсинга турибсиз, бу вақт учун сизга маош ёзиляпти?

— Албатта ёзилади. Агар шундай бўлмаса, апельсинни нимага сотиб олар эдим?

— Шунча чиқим қилиб, давлатни алдагани уялмайсизми?

— Йўғ-е, азизим, қанақа чиқим бўлсин? Ўзингиз ўйлаб кўринг, мен 5 кило апельсин оламан, демак, бу — етти сўм бўлади. Бир кунда эса, бор йўғи билан олти сўм оламан. Демак, давлатга менинг бир сўмим қолади. Тушуняпсизми?

— Тушуняпман,— дейман. Қизиқ олти сўм олгани ҳолда қандай қилиб ети сўмга апельсин харид қилади? Ўша бир сўмни қаёқдан олади? Эҳтимол, ичмас ҳа унақа одамларда доим пул бўлади.

У портфелини тўлдириб апельсин олди-да назокат билан хайрлашиб, худди сайр қилиб юргандай шошилмай ишга жўнади. «Йўқ,-деб ўйладим, бунақа дўстлардан бирор нарса билиб бўлмайди. Бундайлар ишни шунақаям чувалаштириб юборадики, манман деган маданиятли одамлар ҳам калаванинг учини тополмай қолади. Бошқа одмироғини танлаш керак».

Шу пайт муюлишдан бир йигит чиқиб қолди. Кўкраги очиқ, юзлари қип-қизил, сочи қилпирайди. Қўйинг-чи,накш олмадек йигит!

— Менга қара, оғайни!— дейман. Нима учун сен ишда эмассан?

—Касалман,—деб жавоб беради у.— Вирусли гриппман, Гонконг ё осиё гриппи бўлса керак. Умуман, импортний грипп.

— Ўша гриппнинг ҳавфли томони нимада экан?

— Ўзидан ҳам асорати ёмон.

— Агар касал бўлсанг нега уйда ётмайсан?

— Ётиб нима қиламан.

Врач бўлса келиб кўриб кетди.

— Суф-е, сенга! Тоғни урсанг талқон қиладиган важоҳатинг бору, касалман, деб баҳона қиласан.

— Тоғни талқон қилар эмишман. Шу қадар дармоним йўқки, ҳатто бир стакан пивони ҳам кўтара олмайман.

— Фирибгарсан. Давлат сенга бюллетень бўйича пул тўлайди. Сен бўлсанг...

— Бўлди энди,— дейди у. — Сен касалимга тил теккизма. Бўлмаса, ўзингни бюллетенбоп қилиб кўяман. Бир аксурсам, сендан фақат вирус қолади, холос.

Ҳар эҳтимолга қарши, ўзимни панага олиб, ўзимча «Бу қанақа одамлар ўзи?»— деб ўйлайман. — На уят бор, на виждон. Кўполлик бўлса, истаганча топилади. Ё бирор аёлга мурожаат қилсаммикан. Ҳар ҳолда улар андишалироқ-ку?»

Дўмбоққина жингалак сочли аёлдан сўрайман:

— Гражданка, айтинг-чи, қаёққа шошиляпсиз? Нега ишда эмассиз?

— Магази-нга кримплен кепти Шунга кетаяпман.

— Иш тугагандан кейин борсангиз, бўлмайдими?

— Эсингиз жойидами ўзи?— деди у. — Иш тўгаганда кримплен ҳам ҳам тугайди-да!

— Тушунарли. Демак, сиз магазинма-магазин сайр қилиб юрасиз ва яна шу вақт учун маош оласиз?

— Сизга нима? — дейди у.— Сизнинг нима ишингиз бор? Хўш, нега ўзингиз ишда эмассиз?

—Менинг ишим бошқа, мен командировкадаги одамман, — дейман

— Нима қипти? Сизни ҳам иш билан юборишган. Сиз бўлсангиз кўчада санқиб юрибсиз.

— Қилар ишимни қилиб бўлдим. Индинга уйга қайтаман.

— Нимага бугун қайтиб кетмадингиз?

— Нима, сизгнингча шаҳарни томоша қилишим керак эмасми? ГУМ, ЦУМ ва бошқа тарихий жойларни кўрмай кетавераманми?

— Буларни давлат ҳисобига эмас, ўз ақчангизга кўришингиз керак, ўрток сайёҳ. Отпуска олинг-да, бемалол келиб кўраверинг.

Аёл бурнини қийшайтирди-да жингалак сочини силкитиб ўтиб кетди. Мен эса унинг орқасидан қараб, ҳаяжонимни боса олмайман. Соат уч, айни иш қайнаган пайт. У бўлса кўчама-кўча сайр қилиб халқ пулини ҳавога совуради. Агар ишга қилона ёндошилса, мана шу бекорга сарф бўлаётган пуллар ўз жойида сарфланса, бизга ўхшаган командировкадаги кишиларга суткасига 2 сўм 60 тийин эмас, 5 сўмдан тўланган бўларди.

Эҳтимол ундан ҳам кўпроқ тушар эди.

Русчадан ҲУЛКАР таржимаси.

ҲАР ТЎҒРИДА

ДЕНГИЗ МАХЛУҚЛАРИНИНГ СИРИ

Африка бўйларидаги илиқ океан сувларида ялқов йирик денгиз ҳўкизлари яшайди. Унинг танаси ва сузгичлари майда ва кўплаб заррачалар билан қопланган. Вақти-вақти билан уларнинг ёнига гобие деб аталадиган балиқлар сузиб келиб, ўша заррачаларни тозалай бошлайди.

Япон океанографлари ўша «тозаловчи» балиқлардан бирини тутиб олганларида унинг йиртқич балиқ эканлиги аниқланди. Маълум бўлишича, улар денгиз ҳўкизи танасидаги зарралар билан овқатланар экан.

◆

ЧЕКИШНИ ТАШЛОВЧИЛАРГА МУКОФОТ

Ўн йил ичида 8 юқори малакали мутахассисдан маҳрум бўлган япон компанияларидан бири янги тадбир ишлаб чиқди. Икки ой мобайнида чекишни ташлаган мутахассисларга 5 минг иен пул тўланади. Агар бир йил давомида улар яна қайта чека бошласалар пул уларнинг маошидан ушлаб қолинади.

Бу «хўрак»ка ҳозирча 13 мутахассис илинди. Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш фирмага ярим миллион иенга тушаётганлиги туфайли шундай қарорга келинди, деди компания президенти.

◆

ЭНГ КАТТА ГУЛЛАР

Суматра чангалзорларида дунёдаги энг катта гуллар ўсади. Улардан бирини ботаниклар 1918 йилда аниқлаган эдилар. Гулнинг диаметри 1 метрга тенг эди. Яқинда яна бир гул нави топилди. Унинг диаметри 1 метру 20 сантиметрга тенг келади.

◆

ФИЛЛАР ХУЖУМИ

Шри-Ланканинг аҳоли зич жойлашган Уда-Валава вилоятида филлар подаси қишлоқларга ҳужум қилиб, ҳаммаёқни вайрон қилиб ташлади. Аммо, давлат департаменти филларни отишга йўл қўймади. Улар қўриқхоналарга кўчирила бошланди.

Филларни ухлатиш учун африка филларига қараганда кўпроқ дорн юборишга тўғри келди. Бир фил машинага юклангада машина уни тортолмай чўкиб қолди. Филнинг оғирлиги 6 тоннага яқин эди.

◆

ҲАШАРОТЛАР ҚЎРИҚХОНАСИ

Тури йўқолиб кетаётган ҳайвонот ва наботот оламини сақлаб қолиш, уларни кўпайтириш ва ўрганиш одатда қўриқхоналарда амалга оширилади. Лекин шу чоққача ҳашаротлар қўриқхонаси ташкил этилганлиги тўғрисида ҳеч ким эшитган эмас. Бундай ғалати қўриқхона яқинда Воронеж областида ташкил этилди.

Бу қўриқхона атрофида пичан ўриш, мол боқиш, ҳатто ҳар қандай транспорт ҳаракатлари мутлақо тақиқланган. Қўриқхонага ҳашаротларнинг йўқолиб кетаётган ёки фан ҳали тўла текширмаган турлари тўпланган.

Олимларнинг айтишларича, қўриқхона барпо этилгандан бери, унинг атрофидаги боғ ва дала экинлари ҳосилига барака кирибди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

«УЗХЛАДОТОРГМОНТАЖ» ТРЕСТИНИНГ ТОШКЕНТ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН РЕМОНТ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ қуйидаги ихтисослар бўйича

КУРСЛАРГА УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

савдо ва жамоат овқатланиш корхоналарида музлатиш, электр иситиш ва ускуналар механиги.

Тошкент шаҳрида доимий прописка, 22 ёшдан кичик бўлмаган, камида 3 разрядли электрчи, ички ёниш двигателлари ремонти бўйича 3 разрядли слесарлик мутахассислиги бўлган кишилар курсларга қабул қилинадилар.

Ўқувчиларга стипендия тўланади.

Курсларда ўқиш муддати 4,5 ой.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Грампластинка кўчаси, 40-уй. Телефон: 66-21-31, 66-03-65.

ЎРТА ОСИЕ ТЕМИР ЙЎЛИНИНГ ИШЧИЛАР ТАЪМИНОТИ ЛУЛ БОШҚАРМАСИГА

контроль-ревизия бўлими бошлиғи, бошлиқ ўринбосари, ишчилар таъминоти бўлими бошлиғи (жойларга бориб ишлаш учун), Тошкент ишчилар таъминоти бўлими бошлиғининг умумий овқатланиш бўйича ўринбосари, катта ревизор, ревизор, зоотехник, кадрлар тайёрлаш бўйича инженер, кадрлар бўлими инспектори, иш юритувчи-секретарлар

КЕРАК.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси ва район ижроия комитетларидаги инспекторларга учрашилсин.

Акбарали Олтмишев кўп йиллардан бери шоферлик касбида ишлаб келмоқда. У Бекободдаги 45-автобаза коллективи ўртасида моҳир ва тажрибакорлиги билан ҳурмат қозонган.

Т. Маҳкамов фотоси.

Спорт

УЧРАШУВЛАР, ОЧКОЛАР

◆ СССР халқлари VI спартакиадаси финал мусобақалари қизғин давом этмоқда. Ҳозир Ригада шахматчилар узаро баҳслашмоқдалар. Ўзбекистон вакиллари иккинчи кичик группада Ленинград, РСФСР, Туркманистон, Қирғизистон ва Белоруссия командалари билан куч синашадилар. Дастлабки турда шахматчиларимиз Белоруссия командасини 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Иккинчи турда улар Туркманистон вакиллари билан куч синашиб, 4,5:2,5 ҳисобида устунликка эришдилар.

◆ Тбилисида велотрек бўйича мусобақалар якунланди. Спартакиада программасида мусобақалашган Ўзбекистон вакиллари 12 очко билан саккизинчи ўринни эгалладилар.

◆ Қозонда мамлакат абсолют чемпиони номини олиш учун оғир вазндаги энг кучли боксчилар ўзаро мусобақалашмоқдалар. Мусобақалар уч босқичда ўтказилади. Икки босқичда ғолиб чиққан боксчи декабрь ойида Ленинграда СССР абсолют чемпиони Евгений Горстков билан учрашади.

БАЙРАМ ЯҚИН!

РЕПОРТАЖ

Улкан майдонда 5—10 киши чим ётқизиш билан банд. Яна бир неча киши битай деб қолган минбарга пардоз бераяпти. Дарвозалар олдидаги трактор эса бўлажак югуриш йўлкасига тўкилган шағални текисламоқда...

Шарқий минбар остидаги объектларни айланамиз. Ердамчи хоналар шу ерга жойлашган. Ҳозир меҳмонхона, кийимхона, душхонада сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ўн минг ўринли стадион, мусобақа майдончаларидан иборат бу комплекс Оржоникидзе спортчиларининг севимли базаларига айланиб қолади. Бу ерда область республика, ҳатто Иттифоқ миқёсидаги мусобақаларни ҳам ўтказиш мумкин бўлади.

— Районимиз ёшлари стадионнинг битишини орзиқиб кутмоқдалар, — дейди ҳамроҳимиз, район комсомол комитетининг иккинчи секретари Ҳ. Маҳмудов. — Улар қурилишни оталиққа олганлар. Студент ёшларнинг қурилиш отряддари бу йил баҳорда футбол майдонига чим ётказишда фидокорона меҳнат қилди.

Комсомол қўл урган иш ҳамиша муваффақият қозонади. Партия, ҳукуматимизнинг спорт ишларига кўрсатаётган ғамхўрлигидан қанотланган бинокорлар шу йилнинг октябрь ойида стадионни фойдаланишга топширишга қарор қилганларидан сўнг район комсомоллари ҳашарни кучайтирдилар.

— Ҳозир қурилишда комсомол-ёшларнинг йўқлигидан ажабланманг, — изоҳ берди Ҳ. Маҳмудов. — Районимиздаги барча ўрта-махсус ва олий ўқув юртлари студентлари ёзги имтиҳонларини топшириб қолдилар, амалий практикадан ўтмоқдалар. Сиз қурилишга август ойида келинг. Ана ўшанда кўрасиз, қанчалик ташаббускор, сергайрат ёшларимиз борлигини!

Дарҳақиқат студент-ёшлар ёзги имтиҳон, амалий практика билан бўлиб, вақтинча қурилишда иштирок эта олмаяптилар. Бу ердаги ишларни ҳозир бош пудратчи 94-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари олиб боришмоқда. Асосий ишлар бажариб бўлинган. Шарқий ва Ғарбий минбарларда пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Чирчиқ шаҳрининг ихтисослашган қурилиш бошқармаси ишчилари резина битум қопламали югуриш йўлкаларини қўлдан чиқармоқдалар.

Бош инженер Ш. Ғаффоров бизга пардоздан чиқаётган хоналарни кўрсатди, илғор бригадалар, ишчилар билан таништирди.

Спорт комплекси қурилишида меҳнат қилаётганлар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа авжига чиққан. Юзга яқин бинокор стадионни тезроқ фойдаланишга топширишга муносиб ҳисса қўшиш иштиёқида. Ленин орденли Н. Ермолаева бошчилигидаги пардозловчилар бригадаси барчага намуна. Яқиндагина учинчи даражали «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланган И. Юнжако бошчилигидаги комплекс бригада аъзолари ҳам зиммаларига олган мажбуриятларини ошириб бажармоқдалар.

— Аслида стадион келаси йил фойдаланишга топириладиган объектлардан эди, — дейди бош инженер. — Республикамиз партия ва ҳукумати Ўзбекистонда физкультура ва спортни ривожлантиришга, бунинг учун мустаҳкам база яратишга қаратилган қаридан сўнг спорт комплексини октябрь ойигача қуриб битказишга аҳд қилинди. Ҳозир қилинган ишларга маълум даражада якун ясаса бўлади. Қурилишда ярим йиллик план-топшириғи ошиғи билан адо этилди. 325 минг сўмлик ўрнига 335 минг сўмлик иш бажарилди.

Ишимизда асабга тегаётган айрим «икир-чикир»лар ҳам йўк эмас. Масалан, ҳозир бошқармамиз қурилиш ишларини сметасиз олиб бормоқда. Область ижроия комитетининг капитал қурилиш бўлими бизга қўшимча сметаларни ўз вақтида етказиб бермаётир. Шундай бўлса-да, бинокорлар ўз олдиларига қўйган вазифани муддатида бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Кези келганда, қурувчиларга катта ёрдам берган район комсомолларига миннатдорчилигимизни айтиб ўтмоқчимиз. Айниқса, кооператив техникум студентлари астойдил тер тўкдилар. Уларга район комсомол комитети ва район физкультура ва спорт комитетининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

...Қуёш тиккага келиб қолди. Кун қизигандан қизимоқда. Яқиндагина ҳувиллаб ётгандек кўринган қурилиш майдони энди гавжумлашиб қолган эди: юк ташийдиган оғир машиналар дарвозадан кириб-чиқиб турипти. Бульдозерлар ер текисламоқда. Дурадгорлар, пардозловчилар, бетончилар ҳам ишни қизитиб юборишган...

Қибрайликлар тез орада катта спорт байрамини ўтказа дилар. Стадионнинг очилиш маросими байрамга айланиб кетиши турган гап. Бу байрам фақат Оржоникидзе район спортчиларининггина эмас, балки областимиз спортчиларининг ҳам келажакдаги юксак муваффақиятлари ва рекордларига дебоча бўлади.

А. АБДУЛЛАЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00— МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.05 — Концерт. 18.35 — Пионерча ишлаш. 19.05 —Саволларга жаволар. (Москва) 19.50 — «Ахборот». 20.05 — Ёшлар ижоди. 20.35 — «Ахборот». 20.55 — Ўн минут музика. 21.05 — Энг биринчилар (бадиий фильм). 22.40— Тўйларимиз — ўйларимиз. 23.10 — Концерт. 24.00 — «Вақт». ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Мультфильм. 10.20 — Мардлик — мангулик 10.50 — Экран хандаси. 11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Фильм-концерт. 12.45 — Спартакиада мамлакат бўйлаб одимламоқда. 13.10 — Ҳайр, кабутарлар (бадиий фильм). 14.45 — Концерт. 18.00 — Телефильм. 19.05 — «Сиҳат—саломатлик». 19.35 — Қаерда ўқимоқчисиз? 19.50 — МОСКВА. 20.00 — Телефильм. 21.00 — Янгиликлар. 21.15 — Мультфильмлар. 21.45 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 22.45 — Концерт. 23.05— Африкадаги саргузаштлар (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 16.45— ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

Маккеннининг олтинлари — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кеч, қурун).

Сенини, шошмай тур! (8 қисм) — «ЧАПКА» (кундуз ва кечқурун).

Италияликларнинг Росснядаги ғаройиб саргузаштлари — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Садоқат — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Туҳмат қурбони — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Мукофот — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Соколово — «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Кумуш кўл хазиналари — «ФЕСТИВАЛЬ» (21.00, 22.30).

Шахсий масалалар бўйича қабул куни — «ХИВА».

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Ғалати қиз (11.00, 14.00, 17.00, 20.00), Кувиш (12.00, 15.00, 18.00, 21.00) — «ҚОЗОҒИСТОН».

Тошкент область бирлашган касалхонаси коллективи Тошкент область соғлиқни сақлаш бўлими мудири В. У. Тошбековга отаси

Усмонбек ТОШБЕКОВнинг

вафот этгаплиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, №26. ТЕЛЕФОНЛАР

коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Эълонлар — 338142.

Р—03489. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64634. Б—3420.